

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ФАРҲОД ҚАҲРАМОНОВИЧ

ПРЕЭКЛАМПСИЯ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ҲОМИЛАДОР
АЁЛЛАРДА МАРКАЗИЙ ГЕМОДИНАМИКА ВА БУЙРАК ҚОН
АЙЛАНИШИНИНГ АДАПТАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ахмедов Фарход Кахрамонович

Презклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда марказий
гемодинамика ва буйрак қон айланишининг адаптацион
механизмлари.....3

Ахмедов Фарход Кахрамонович

Адаптационные механизмы центральной гемодинамики и почечного
кровотока у женщин при беременности, осложненной
преэклампсией.....21

Akhmedov Farhod Kahramonovich

Adaptive mechanisms of central hemodynamics and renal blood flow in women at
pregnancy complicated by preeclampsia40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....44

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ФАРҲОД ҚАҲРАМОНОВИЧ

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ҲОМИЛАДОР
АЁЛЛАРДА МАРКАЗИЙ ГЕМОДИНАМИКА ВА БУЙРАК ҚОН
АЙЛАНИШИНИНГ АДАПТАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Негматуллаева Мастура Нуруллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримова Феруза Жавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Султонов Саид Носирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 й «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi. uz).

Диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А.Шамансурова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича преэклампсияли асоратлар акушерлик амалиётида тез-тез учровчи жиддий асоратлардан бири ҳисобланиб, сўнгги йилларда бажарилаётган кўп сонли илмий-тадқиқотлар ушбу паталогиянинг олдини олиш, преэклампсия ривожланиши учун юқори хавф гуруҳларини аниқлашга бағишланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра преэклампсиянинг учраши ривожланган мамлакатларда 5–15%, ривожланаётган мамлакатларда эса 30–35% га тўғри келади.¹ Республикамизнинг турли минтақаларида ҳомиладорларда гипертензия ҳолатларининг учраши 15–25% ни ташкил этади. Оналар ва перинатал ўлимнинг асосий сабаблари сирасига кировчи преэклампсия бугунги кунда ечими топилиши талаб этиладиган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида преэклампсиянинг келиб чиқиш сабаблари, кечиши ва даволаш тактикаси натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар орасида преэклампсия ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, ҳомиладорларда преэклампсия билан асоратланиш ҳолатларини эрта ва аниқ ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш; преэклампсия ривожланишида кардиогемодинамика, марказий гемодинамика ва буйрак қон оқимининг ўзгаришларини аниқлаш; преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорлар, оналар ва чақалоқлар орасида ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларини камайтириш борасида чора-тадбирларнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш борасида мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш»²га қаратилган муҳим вазифалар қўйилди. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, оналар ўлимига олиб келадиган акушерлик амалиётидаги преэклампсия сабаблари, хавф омилларини аниқлаш ва оптимал даво чораларини ишлаб чиқишга қаратилган инновацион технологияларни ишлаб

¹ Incident Coronary Heart Disease After Preeclampsia: Role of Reduced Fetal Growth, Preterm Delivery and Parity / H.K.Riise, G. Sulo, G.S. Tell [et al.] // J. Am. Heart Assoc. 2017;6 (2).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари ПЭда ҳомиладорлар марказий ва регионар гемодинамикаси, ПЭнинг метаболик маркерлари, юракнинг структур-функционал характеристикаси, айниқса, миокарднинг диастолик функцияси ҳақидаги маълумотлар дискретлиги ва ҳар хиллиги билан фарқланади (Клещеногов С.А., 2009; Кулаков В.И., 2015; Храмова Л.С., 2007; Sibai В., 2012). ПЭнинг турли шакллари метаболик ва гемодинамик маркерларини ўрганиш зарурати юзага келдики, улар ёрдамида ҳомиладорликнинг мазкур асоратини нафақат илк ташхислаш, балки унинг унча ривожланмаган клиник манзарали енгил шаклларини аниқлаш, демакки, преэклампсиянинг оғир шакллари ривожланишининг олдини олиш зарурати туғилди (Макаров О.В., 2014; Чулков В.С., 2011; Barton J. R., 2008; Bassien-Capsa V., 2006).

Буйрак гемодинамикасининг гестацион ўзгаришлари ҳақидаги тасаввурлар ҳомиладорликнинг турли асоратлари, жумладан, ПЭ ва унинг физиологик кечишидаги мослашув реакцияларини чегаралаш учун муҳим аҳамиятга эга. АГда эндотелиал дисфункция ривожланишида силжиш зўриқишининг кучайиши (shear stress) ва гемодинамик омиллар билан боғлиқ томир ичи гидродинамик босимнинг ошиши асосий роль ўйнайди, бу эндотелий хужайраларининг деформацияси ва зарарланишига олиб келади (Чичерина Е.Н ва ҳаммуал., 2012; Мурашко А.В. ва ҳаммуал., 2013). Буйрак артерияларида юқори РИнинг мавжудлиги ҳомиладорликнинг нохуш оқибатларини олдиндан белгилайди, шунингдек, бачадон артерияларида томир қаршилигининг сезиларли ошиши билан корреляцияланади (J.Thaler ва ҳаммуал., 2012).

Кейинги йилларда сийдик кислота (СК)га қизиқишнинг ошиши унинг преэклампсия белгилари ҳисобланмиш артериал гипертензия, эндотелиал дисфункция ва буйрак функциялари бузилиши патогенезидаги ролини ўрганиш билан боғлиқ (Оразмурадов А.А., 2010; Половиткина О.В., 2011). СК миқдорининг тез ошиши эклампсия ривожланишининг юқори хавф

омили сифатида талқин этилиши лозим. Сийдик кислотаси эндотелий функция бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган омил сифатида алоҳида эътиборни тортади. Қатор клиник ва тажриба текширувлари асосида гиперурикемия ва эндотелиал дисфункция орасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган (Kang D.H., 2014). Мамлакатимизда преэклампсиянинг клиник белгилари, текширув усуллари ва даволаш масалалари бўйича (Ким Ен-Дин., 2017; Л.В.Саркисова., 2007) лар қатор текширувлар олиб борганлар.

Республикаимизда олиб борилаётган устувор сиёсатлар натижаси ўларок ёш олимларнинг тадқиқотларида фертил ёшдаги аёллар саломатлигига эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор масаласи тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилган. Маълумотларга кўра Бухоро вилояти ҳудудида репродуктив йўқотишлар мавжуд аёлларда преэклампсия учраши ҳамда унинг самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари ўрганилмаганлиги аниқланган ва ушбу йўналишда тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти 01.2018PhD.005 рақамли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Оналик ва болалик муҳофазаси» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорлик даврида марказий гемодинамика ва буйрак қон оқимининг мослашув механизмлари мониторинги асосида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни ўз вақтида башоратлаш ва ҳомиладорлик ҳамда туғруқларни олиб бориш тактикасини танлаш учун преэклампсияни эрта ташхислаш имкониятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорлиги меъёردа кечаётган ва преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда марказий ҳамда кардиогемодинамика (юрак геометрияси) хусусиятларини динамикада аниқлаш;

кардиогемодинамика, марказий гемодинамика ва буйрак қон оқими ўзгаришларининг преэклампсия клиник кўринишлари ва оғирлик даражасига мослигини ўрганиш;

преэклампсиянинг предиктори сифатида буйрак қон оқими ва гиперурикемия кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш;

преэклампсия ривожланиши жараёнида кардио-, МГ ва буйрак қон оқимидаги энг эрта (клиникагача) ўзгаришларни аниқлаш;

преэклампсиянинг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда мазкур касалликка чалинган ҳомиладорларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 150 нафар преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёллар ўрганилди, шулардан 1 гуруҳ - 100 та энгил преэклампсия, 2 гуруҳ - 50 та оғир преэклампсия ва назорат гуруҳни ҳомиладорлиги физиологик кечган 50 нафар аёл ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб буйрак томирлари доплерометрияси усули ёрдамида қон ҳаракатланишини аниқлаш, чап қоринча функциясини доплероэхокардиография усулида баҳолаш, доплерометрия ёрдамида МГ кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий клиник-лаборатор, функционал диагностик текширишлар (доплерометрик текшириш), биокимёвий (сийдик кислотаси) ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

преэклампсиянинг ўзига хос ривожланишини аниқлашда миокарднинг морфофункционал хусусиятларини тавсифловчи (чап қоринча миокард массаси ва индекси, чап қоринча орқа девори қалинлиги, қоринчалараро тўсиқ қалинлиги, деворнинг нисбий қалинлиги, диспропорционаллик коэффиценти), умумий периферик томир қаршилигининг ошиши ва ҳайдалиш фракциясининг камайиши орқали намоён бўладиган клиник белгилар ва метаболик маркерлар (сийдик кислотаси)нинг лаборатор кўрсаткичлари аниқланган;

хомиладор аёл юрак геометрияси, унинг буйрак қон оқими ҳамда преэклампсия билан асоратланган хомиладорларда юракнинг функционал фаоллиги ва преэклампсиянинг клиник кўринишлари орасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилган;

преэклампсиянинг эрта даврларини ташхислашда сийдикнинг биокимёвий скрининги, буйрак қон оқими ва чап қоринча геометриясини доплерометрик усулда аниқлашнинг оптимал муддатлари ишлаб чиқилган;

преэклампсия билан асоратланган хомиладорларда юрак ва буйрак гемодинамикаси клиник кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ва башоратга эга аҳамияти баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

преэклампсия билан асоратланган хомиладорларни текшириш амалиётида юрак геометрияси тури, метаболик маркер – сийдик кислотаси ва унинг қон ва сийдикдаги фоиз нисбати аниқланган;

ўтказиладиган даволовчи терапия, унинг самарадорлигини баҳолаш ва клиник симптоматика ривожланишини аниқлашда чап қоринча миокард массаси (ЧҚММ), чап қоринча миокард массаси индекси (ЧҚММИ), чап қоринча орқа девори қалинлиги (ЧҚОДҚ), қоринчалараро тўсиқ қалинлиги (ҚАТҚ), диспропорционаллик коэффиценти (ДК), деворнинг нисбий қалинлиги (ДНК), умумий периферик томир қаршилиги (УПТҚ), ҳайдаш фракцияси (ХФ) ва метаболик маркер – сийдик кислотаси кўрсаткичлари динамик мониторингининг муҳимлиги илмий асосланган;

юрак геометриясининг эксцентрик гипертрофияси тури бўйича бузилишлари хомиладорлик ва туғруқ оқибатларининг ёмонлашуви билан она организмидаги аъзо қон оқими бузилишларига олиб келувчи нохуш бузилиш тури эканлиги исботланган;

юрак геометрияси концентрик турининг шаклланиши, охирги-диастолик ҳажм ва ҳайдаш фракциясининг пасайиши, АБ ва УПТҚнинг ошиши туфайли

чап қоринчанинг гемодинамик зўриқиши ва оғир преэклампсиянинг ривожланишига олиб келиши асосланган;

преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларда кардиогемодинамика, марказий гемодинамика ва буйрак қон оқими кўрсаткичлари мониторинги асосида ҳомиладорликни олиб бориш, ўтказилаётган терапия самарадорлигини баҳолаш ва туғдиришнинг оптимал муддати ҳамда усулини танлаш тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда кўрилган муаммоларни ҳал этиш объектив, клиник, биокимёвий, доплерометрик, статистик текшириш усуллари маълумотлари асосида тасдиқланади, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган илмий нашрларда чоп этилгани натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти онада кардиогемодинамика кўрсаткичлари ва ПЭни адекват даволаш фонида касалликнинг клиник кечиши мониторинги назорати остида ҳомила манфаати учун эксцентрик гипертрофия ҳамда ЧҚни концентрик ремодуллашда ҳомиладорликни чўзиш имконияти мавжудлиги, ЧҚ геометриясининг концентрик турида эса она манфаати учун муддатдан илгари туғдириш ва акушерлик режасини ўз вақтида амалга оширилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларда марказий гемодинамика ва буйрак қон оқимининг мослашув механизмлари мониторинги асосида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни ўз вақтида башоратлаш, ҳомиладорлик ҳамда туғруқларни олиб бориш тактикасини танлаш учун преэклампсияни эрта ташхислашга хизмат қилади, аёлларда ҳаёт давомийлигини ошириш, жамиятга келтириладиган ижтимоий ва иқтисодий зарарни камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёлларда ҳомиладорлик вақтида гипертензив ҳолатлар диагностикаси ва башоратлашга эга аҳамиятини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Преэклампсия кечишида гемодинамик бузилишларнинг замонавий жиҳатлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 25 мартдаги 8н–д/50-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома преэклампсия билан асоратланишни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислаш ва даволашнинг оптимал вариантларини танлаш имконини беради;

тадқиқот давомида ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси ва Жондор туман туғруқхонаси акушерлик бўлими амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 24

августдаги 8н-д/45-сон ҳамда 2018 йил 12 июндаги 8н-з/125-сон хулосалари). Амалиётга татбиқ этилган натижалар преэклампсияни даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, перинатал асоратлар частотаси ҳамда оналар ўлимини қисқартиш, даволаш харажатларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 8 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Преэклампсияни ташхислаш ва даволашда марказий ва регионар гемодинамика мониторинги**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, адабиётлар шарҳида репродуктив ёшдаги аёлларда преэклампсия муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Преэклампсия патогенетик механизмларининг замонавий талқини, преэклампсияда марказий гемодинамиканинг ўзига хос хусусиятлари ва буйрак гемодинамикаси ҳолати, сийдик кислотасининг преэклампсия ташхисоти маркери сифатидаги таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материал ва усуллари баён этилган. Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг 1-сон акушерлик ва гинекология кафедраси, 2-сон шаҳар туғруқхонаси ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро вилояти филиалида 2011–2014 йилларда амалга оширилди. Бухоро шаҳар 2-сон шаҳар туғруқхонасига ётқизилган

преэклампсия билан асоратланган 150 нафар ҳомиладор аёл (асосий гуруҳ)да туғруқ ва уларнинг она ҳамда ҳомила учун оқибатлари (она чап қоринчаси геометрияси ва гемодинамикаси ҳолатига боғлиқ ҳолда) комплекс ўрганилди. Назорат гуруҳини ҳомиладорлиги асоратсиз кечган 50 нафар аёл ташкил этди. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос равишда қуйидагича тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: клиник-статистик таҳлил; клиник тадқиқот усуллари (қон, сийдикнинг умумий таҳлили, Ht, тромбоцитлар); биокимёвий текширув усуллари (сийдик кислотаси ферментатив-колориметрик усулда аниқланди); буйрак томирлари доплерометрияси усули ёрдамида буйракдаги ўзгаришларни аниқлаш; чап қоринча функциясини доплероэхокардиография усулида баҳолаш; доплерометрия ёрдамида МГ кўрсаткичларини аниқлаш. Допплероэхокардиографик текширувлар С2,5 МГц секторал датчикни қўллаш билан анатомик М режимли «Sono Scape» (Хитой) фирмасининг модели – SSI-5000 аппарати (серия номери S/N1407392)да амалга оширилди.

Беморларнинг клиник тавсифи: беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши келтирилган 1-расмдан кўриниш мумкинки, назорат гуруҳига нисбатан 1- ва 2-гуруҳларда 30 ва ундан катта ёшдаги беморлар мос равишда 2 ва 3 марта кўп. Клиник-статистик таҳлил ўтказиш ва асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказишда анамнез маълумотлари, ҳамроҳ экстрагенитал ҳамда гинекологик касалликлар, ҳайз, жинсий ва фертил функцияларнинг бошланиши ва характери ҳисобга олинди.




1-расм. Тадқиқотга жалб этилган аёлларнинг ёши (ёш).

Ҳомиладорларнинг ҳайз функцияси қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: менархе, мунтазам ҳайз циклининг шаклланиши, унинг кечиши ўзига хослиги. Ҳайз цикли тавсифлари таҳлили беморларда менархе 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган муддатларда юзага келганини кўрсатди (2-расм).


Менархенинг 15 ва ундан катта ёшда ўрнатилишидаги энг катта вақт оралиғи оғир преэклампсияли аёлларда аниқланган (23,3%), енгил преэклампсияли аёлларда бу кўрсаткич – 13%. Ҳайз цикли давомийлиги таҳлил қилинганда гуруҳлар бўйича статистик ишончли фарқ аниқланмади ($P > 0,05$).

Енгил преэклампсияда аёллар ҳайз циклининг ўртача давомийлиги бир мунча каттароқ бўлиб, ўртача 28 (23–31) кунни ташкил этди. Лекин қолган текширув гуруҳларидаги аёллар билан солиштирилганда статистик аҳамиятли фарқ кузатилмади.



2-расм. Менархе юзага келган ёш (ёш).

Ўрганилган гуруҳда аёлларнинг жинсий ҳаёт бошлаган ёши 17–25 ёш оралиғини ташкил қилди (3-расм).



3-расм. Жинсий ҳаёт бошланган ёш (ёш).


Жинсий ҳаёт бошланган ёш таҳлил қилинганда оғир преэклампсияли гуруҳда у 25 ёшдан ортиқ бўлиб, 26,6% ни ташкил қилди ва назорат гуруҳи кўрсаткичларидан мос равишда 16,6 ва 23,6% дан юқори бўлди.

Экстрагенитал патология ҳомиладорликнинг турли асоратлари ривожланиши учун жиддий хавф омили – нохуш фон ҳисобланади.

Экстрагенитал касалликлар структураси 4-расмда келтирилган.

Расмда келтирилганидек, преэклампсия гуруҳида 80 нафар аёлда ўртача даражадаги камқонлик, 32 нафар аёлда оғир даражадаги камқонлик кузатилди ва бу назорат гуруҳи (33,3%)га қарши 74,6% ни ташкил этди. Қалқонсимон без касалликлари ҳам преэклампсияли, ҳам назорат гуруҳи

аёлларида бир хилда тез-тез учраб, ўртача 68,6% ни ташкил этди. Сийдик ажратиш тизими касалликлари оғир преэклампсияли аёлларнинг деярли ҳар иккита аёлдан бирининг анамнезида қайд этилди ва назорат гуруҳидагига нисбатан деярли икки марта кўпроқ учраб, мос равишда 73,3% ва 43,3% ни ташкил этди. Семизлик 2-гуруҳнинг 16,6%, биринчи гуруҳнинг 23,3% аёлларида аниқланди, назорат гуруҳи ҳомиладорларида эса ушбу патология кузатилмади.



4-расм. Тадқиқот олиб борилган аёлларда сурункали касалликлар структураси.

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва непараметрик статистика усуллари қўлланилди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ўрганилиб, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. $P < 0,05$ ишончлилиқ даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда қон айланиш тизими ва кардиогемодинамика ҳолати**» деб номланган учинчи бобида преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда қон айланиш тизими ва кардиогемодинамика ҳолати ўрганилди. Гестация муддати 30–34 ҳафта бўлган ҳомиладорларда қон айланиш тизими ва кардиогемодинамика ҳолати ўрганилганда мазкур гуруҳ ҳомиладор аёлларида марказий гемодинамика кўрсаткичлари куйидаги кўринишга эга бўлди (таққослаш учун олдинги икки гуруҳдаги тегишли кўрсаткичлар ҳам тақдим этилган):

1-жадвал

Гестация муддати 30-34 ҳафталик ўрганилган гуруҳлар ҳомиладор аёлларида марказий гемодинамика кўрсаткичлари, ($n=200$)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ, ($n=49$)	1-гуруҳ(Енгил ПЭ), ($n=87$)	2-гуруҳ(Оғир ПЭ), ($n=64$)
ДХ, л/дақ.	$7,5 \pm 0,12$	$7,8 \pm 0,08^*$	$6,1 \pm 0,07^{***\wedge\wedge\wedge}$ (5,2 – 7,0)
ЗИ, мл/м ² .	$57,6 \pm 0,80$	$50,3 \pm 0,66^{***}$	$45,5 \pm 0,50^{***\wedge\wedge\wedge}$ (39 – 52)
ЮИ, л/дақ/м ² .	$4,6 \pm 0,07$	$4,3 \pm 0,05^{**}$	$3,4 \pm 0,04^{***\wedge\wedge\wedge}$

			(2,9 – 3,9)
УПТҚ,дин.сек.см ⁻⁵	948,8±7,97	1128,5±6,0***	1341±6,0***^^^ (1253 – 1435)

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (* – P<0,05, ** – P<0,01, *** – P<0,001), ^ – фарқлар 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (^^ – P<0,001).

Жадвалда тақдим этилган маълумотлар таҳлили оғир ПЭда МГ кўрсаткичлари сезиларли ёмонлашувидан далолат беради, бу юракнинг бир марталик ва дақиқалик унумдорлиги пасайиши ва УПТҚнинг сезиларли ошиши билан ифодаланади. Масалан, агар 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларида ДХ, ЗИ, ЮИ кўрсаткичлари энгил ПЭ гуруҳдагига нисбатан мос равишда 21,8, 9,5, 20,9% га пасайган бўлса, бу пасайиш назорат гуруҳининг тегишли кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 18,7, 21,0, 26,1% ни ташкил этди.

Бир вақтнинг ўзида оғир ПЭли ҳомиладорларда УПТҚ кўрсаткичи энгил ПЭ аналогик кўрсаткичидан 18,8%, назорат гуруҳига нисбатан эса – 41,3% юқори бўлди.

Тақдим этилган маълумотлар онанинг қон айланиш тизимида анчагина бузилишлар мавжуд эканлигидан далолат беради, бу эса, шубҳасиз, фетоплацентар тизимдаги қон айланишнинг бузилиши билан онанинг тизимли ва аъзодаги қон оқимиға ўз таъсирини ўтказди.

Мазкур гуруҳ аёлларида юрак функциясининг доплероэхокардиографик текширувларида қуйидагилар аниқланди (таққослаш учун олдинги икки гуруҳдаги мос кўрсаткичлар ҳам келтирилган):

2-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳлардаги ҳомиладор аёлларда юрак функциясининг доплероэхокардиографик кўрсаткичлари (n=200)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ, (n=49)	1-гуруҳ(Энгил ПЭ), (n=87)	2-гуруҳ(Оғир ПЭ), (n=64)
ОДХ, мл	139,1±2,13	135,6±1,01	128,1±0,64***^^^ (119 – 136)
ОСХ, мл	45,5±0,72	49,1±0,61***	55,6±0,62***^^^ (47 – 64)
ХФ, %	66,9±0,77	63,7±0,53***	56,6±0,52***^^^ (46 – 64)

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (*** – P<0,001), ^ – фарқлар 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (^^ – P<0,001)

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан ПЭ оғирлиги ошишида ҳайдаш фракциясининг пасайиши билан юракнинг қисқариш қобиляти кўрсаткичлари ёмонлашуви кўриниб турибди. Мазкур гуруҳдаги аёлларда тизимли артериал босимнинг кўтарилиши билан кейинчалик ОДХнинг энгил даражали ПЭли ҳомиладорларга нисбатан 5,5% ва назорат кўрсаткичларига нисбатан 7,9% (P<0,001) пасайиши қайд этилди.

Шу билан бирга ОСХ кўрсаткичи ошиб, у дарҳол систола тугагандан сўнг диастоланинг бошланишига ЧҚда қолган қон миқдоридан далолат беради. Текширилаётган гуруҳ ҳомиладор аёлларидаги ОСХ 1-гуруҳ ва назорат гуруҳидаги аналогик кўрсаткичлардан мос равишда 13,2% ($P<0,001$) ва 22,2% ($P<0,001$) юқори бўлди. Бу ХФ кўрсаткичларининг 1-гуруҳ ва назорат гуруҳидаги ушбу кўрсаткичлардан мос равишда 11,1% ва 15,4% ($P<0,001$)га пасайишига олиб келди.

Юзага келаётган ўзгаришларни чуқурроқ тушуниш мақсадида ушбу тадқиқот давомида мазкур гуруҳ ҳомиладор аёлларида юрак геометрияси кўрсаткичлари ўрганилди ва олинган маълумотлар куйидаги жадвалда тақдим этилди (таққослаш учун олдинги иккала гуруҳнинг аналогик кўрсаткичлари ҳам келтирилган). Жадвалда тақдим этилган маълумотлар шундан далолат берадики, ПЭнинг оғирлик даражаси ортиб бориши билан гарчи ўрганилган барча кўрсаткичлар бўйича 1- ва 2-гуруҳлар орасидаги маълумотлар статистик ишончли бўлмаса-да, юракнинг морфометрик кўрсаткичларида ўзгаришлар юзага келади. Лекин оғир даражали ПЭда ушбу кўрсаткичларнинг ёмонлашуви тенденцияси жуда ҳам аниқ. 2- ва назорат гуруҳидаги аёлларда қайд этилган кўрсаткичлар фарқи эса, асосан, ишончлидир.

ПЭ оғирлик даражаси ошиши билан ОСЎ кўрсаткичларининг нисбатан сезиларсиз ўзгариши фонида ОДЎнинг пасайиш тенденцияси аниқ кўринади. ПЭ оғирлик даражаси чуқурлашуви билан бўлмача ўлчами 1- ва назорат гуруҳлардагига нисбатан мос равишда 8,2% ва 8,9% га ортади, бу, эҳтимол, ОСХнинг ошиши билан боғлиқ.

3-жадвал

Гестация муддати 30–34 ҳафта бўлган текширилган гуруҳлар ҳомиладор аёлларида доплероэхокардиография (юрак геометрияси) кўрсаткичлари (n=200)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=49)	1-гуруҳ (енгил ПЭ) (n=87)	2-гуруҳ (оғир ПЭ) (n=64)
ОДЎ, мм	48,2±0,42	45,2±1,6	44,2±0,51*** (39–48)
ОСЎ, мм	33,4±0,35	33,0±1,9	33,9±0,38 (26–38)
ЧБ, мм	31,5±0,36	31,7±1,6	34,3±0,37*** (27–38)
ЎҚ, мм	24,7±0,26	25,9±2,0	24,0±0,54 (18–31)
ЧҚОДҚ, мм	8,0±0,17	11,0±0,9**	12,1±0,28*** (9–14)
ҚАТҚ, мм	8,4±0,16	10,4±0,7**	11,8±0,27*** (10–14)
АД, мм	28,5±0,53	29,3±0,4	30,6±0,46***^ (27–34)

ЧҚММ,г	159,9±3,02	204,7±9,0***	210,8±5,10*** (189–264)
ЧҚММИ,г/м²	97,9±3,03	111,9±5,3*	119,0±1,21*** (90–138)
ДНҚ	0,38±0,01	0,49±0,04**	0,54±0,01*** (0,42–0,57)
ДК,%	129,0±2,21	141,0±3,8**	142,1±1,51*** (120–163)

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* – $P<0,05$, ** – $P<0,01$, *** – $P<0,001$), ^ – фарқлар 1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^^ – $P<0,001$).

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга кўра ўнг қоринча деворининг қалинлиги қандайдир аҳамиятли ўзгаришларга учрамайди, бу эса гестациянинг кўрсатилган муддатларида оғир ПЭда ўпка гипертензияси мавжуд эмаслигининг бевосита кўрсаткичи ҳисобланади. ПЭ оғирлиги авж олиши билан аорта диаметрининг катталашуви тенденцияси қайд этилади, бироқ ушбу кўрсаткичнинг гуруҳлар бўйича фарқи ишончли эмас.

Тадқиқотда АД кўрсаткичининг ортиши УПТҚнинг ошиши билан боғлиқликда тушунтирилди. Оғир даражали ПЭда ЧҚОДҚ ва ҚАТҚ кўрсаткичлари энг сезиларли ўзгаришларга учради. 2- ва 1-гуруҳлар орасида уларнинг фарқи ўртача 10,0% ва 13,5% ни ташкил этиб, статистик ишончли бўлмади, лекин ушбу кўрсаткичларнинг назорат кўрсаткичларига нисбатан 51,3% ва 40,5% га ошиши статистик ишончли бўлди.

ЧҚММ ва унинг индекси ўрганилганда ПЭ оғирлик даражаси кучайиши билан ушбу кўрсаткичларнинг яна ҳам ошиши қайд этилди ҳамда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли бўлди. Масалан, ЧҚММ ва ЧҚММИ кўрсаткичлари 1-гуруҳдаги ҳомиладор аёллар аналогик кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 3,0% ($P<0,05$) ва 6,3% ($P>0,05$)га кўтарилди, ушбу кўрсаткичларнинг назорат гуруҳига нисбатан ошиши мос равишда 31,8% ($P<0,001$) ва 21,6 ($P<0,001$)ни ташкил этди.

Динамикада чап қоринча ДНҚ кўрсаткичи ҳам ошиб, у олдинги гуруҳдагига нисбатан 10,2% ($P>0,05$), назорат гуруҳига нисбатан 42,1% ($P<0,001$) юқори бўлди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, миокарднинг морфофункционал хусусиятларини тавсифловчи энг сезиларли ўзгаришлар ЧҚОДҚ, ҚАТҚ, ЧҚММ, ЧҚММИ ва ДНҚлардир. Айтиш мумкинки, юқорида кўрсатилган барча кўрсаткичлар эндигина енгил преэклампсия кўшилганда ўзгаришларга учраб, статистик ишончли бўлади ва ПЭ оғирлик даражаси ошиши билан кўрсаткичлар ҳам ошади, лекин бу ошиш ишончли эмаслиги билан қизиқиш уйғотади.

Шундай қилиб, олинган натижаларга кўра қайд этилган кўрсаткичлар ПЭнинг кўшилиши ва унинг оғирлик даражаси авж олиш предикатори ва индикатори бўлиши мумкин.

2-гуруҳдаги ҳомиладорларида ДК ўртача $142,1 \pm 1,51\%$ га тенг бўлиб, олдинги гуруҳга нисбатан атиги 0,8% ($P > 0,05$) юқори, назорат кўрсаткичига нисбатан эса 10,2% ($P < 0,001$) ошди. ДК кўрсаткичининг бундай ошиши оғир ПЭда ҳомиладор аёлларда ЧҚММнинг непропорционал катталигидан далолат беради.

Текширилган гуруҳдаги оғир ПЭда чап қоринча геометриясини ўрганиш йўли билан унинг уч тури аниқланди: концентрик ремодуллаш – 13 нафар (20,3%), концентрик – 43 нафар (67,2%) ҳамда эксцентрик – 8 нафар (12,5%) ҳомиладорда.

Мазкур гуруҳга кирган барча аёллар оғир ПЭ сифатида талқин қилинди ва интенсив терапия палатасига ётқизилди. Улар вақти-вақти билан бош оғриши, умумий ҳолсизлик, уйқунинг бузилиши, оёқлардаги шишлар, бурун битиши каби шикоятларни билдиришди.

Тадқиқот жараёнида аниқланган юрак геометрияси тури билан ПЭнинг кечиш оғирлигини тавсифловчи клиник симптом ва белгилар таққосланганда, ПЭн симптомлари триадаси (ДАБ, протеинурия, шишлар) концентрик типдаги чап қоринча геометрияси мавжуд аёлларда кучли ривожланганлиги қайд этилди. Оғир ПЭнинг кучли кўринишлари чап қоринчанинг концентрик гипертрофияси бўлган 8 нафар аёлда кузатилиб, уларда сурункали гипертензия қайд этилди. Концентрик ремодуллашув мавжуд 13 нафар аёлда ПЭ оғирлигини тавсифловчи кўрсаткичларда силжишлар кам бўлди.

Шундай қилиб, чап қоринчанинг эксцентрик гипертрофияси ва концентрик ремодуллашувида онадаги қон айланиши кўрсаткичлари ва патологиянинг клиник кечиши мониторинги юритилиб, ПЭни адекват даволаш фонида перинатал оқибатларни яхшилаш, ҳомила манфаати йўлида ҳомиладорликни чўзиш имкониятлари мавжуд. Чап қоринча геометриясининг концентрик типи ва непропорционал юқори ЧҚММ, унинг изоляцияланган дисфункцияси мавжуд ҳомиладорларда она манфаатлари учун регионар анестезияни қўллаш билан муддатдан олдин туғдириш масаласини ҳал этиш лозим.

Диссертациянинг **«Презклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларда буйракнинг функционал ҳолати ва гомеостаз кўрсаткичлари»** деб номланган тўртинчи бобида қайд этилган гуруҳлардаги ҳомиладор аёлларда гестациянинг 30–34 ҳафталик муддатларида доплерометрия усулида буйрак қон оқими импульс тўлқинли ва рангли доплер режимида дуплекс сканерлаш усулида ўрганилди.

Буйрак томирлари доплерометриясида олинадиган кўрсаткичларнинг турли-туманлиги, шунингдек, ПЭ патогенезида УПТҚнинг ошиши билан резистив томирлар умумий спазмининг устунлик қилиши ва, асосан, кўрсатилган ўзгаришлар буйракда юзага келишини ҳисобга олиб, тадқиқотда фақатгина буйраклар томир тизими резистентлигини тавсифловчи RI доплерометрия кўрсаткичида тўхталиш лозим топилди. Буйрак томирлари резистентлигининг ўзгариши ҳақида фикр юритиш учун сегментар ва бўлақлараро артериялар сатҳида буйрак артериясининг дистал сегментида RI кўрсаткичи аниқланди (4-жадвал).

Гестация муддати 30–34 ҳафталик ҳомиладор аёлларда буйрак томирлари резистентлиги ва қон зардобӣ ҳамда сийдикдаги сийдик кислотаси концентрацияси кўрсаткичлари (n=200)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=50)	1-гуруҳ (енгил ПЭ) (n=100)	2-гуруҳ (оғир ПЭ) (n=50)
RI			
буйрак артериясининг дистал бўлими	0,66±0,02 (0,63–0,69)	0,65±0,01 (0,60–0,69)	0,67±0,01 (0,58–0,76)
сегментар артерия	0,61±0,01 (0,59–0,63)	0,67±0,02** (0,62–0,72)	0,69±0,01*** (0,63–0,75)
бўлаклараро артериялар	0,53±0,02 (0,49–0,57)	0,61±0,02** (0,57–0,65)	0,63±0,01*** (0,57–0,69)
Сийдик кислотаси миқдори			
қон зардобӣ, мкмоль/л	184,0±5,9 (113–253)	368,9±2,4*** (332–405)	454±6,9***^^ (364–540)
сийдик, ммоль/соат	2,9±0,10 (1,8–4,0)	3,1±0,08 (1,9–4,3)	3,4±0,04***^^ (2,9–3,9)


Изоҳ: қавсда гуруҳлардаги ўрганилаётган кўрсаткичларнинг фарқлари келтирилган; * – фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (** – P<0,01, *** – P<0,001), ^ – фарқлар 2-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ – P<0,01, ^^ – P<0,001).

Жадвалда келтирилган маълумотлар ҳомиладорлик физиологик кечувчи, енгил ва оғир преэклампсияда аёлларнинг буйрак томирлари резистентлиги ҳолати ва қон зардобӣ ҳамда сийдикдаги сийдик кислотаси миқдорини ифодалайди.

Келтирилган буйрак томирлари резистентлиги индексига тааллуқли маълумотлар таҳлили ҳомиладорлиги физиологик кечувчи аёлларда буйрак артерияси дистал бўлимлари тонуси буйрак ичи томирлари (сегментар ва бўлаклараро артериялар) резистентлигидан ишончли юқори эканлигини кўрсатади. Яъни физиологик кечувчи ҳомиладорликда буйрак ичи артерияларининг резистентлиги нисбатан паст бўлиб, буйрак ичи қон оқимиға қаршилиқ қилмайди. Бу ПЭнинг оғирлик даражасига параллел равишда кучли метаболик ўзгаришлар ва сийдик кислотаси сийдик орқали ажралишининг яққол камайиши ҳисобига унинг концентрацияси тез кўтарилиши билан тушунтирилади.

Олинган натижалар буйрак функциялари бузилиши билан ПЭ оғирлик даражасининг ошиб боришини аниқроқ кўрсатувчи тест сийдик кислотаси экскрециясининг абсолют қийматлари ммоль/соат эмас, балки унинг қон-сийдик тизимидаги фоиз билан ифодаланган нисбати, деб ҳисоблаш имконини беради.

Презклампсия билан асаротланган ҳомиладор аёлларни олиб бориш алгоритми



ХУЛОСА

1. Ҳомиладорлиги физиологик кечувчи аёлларга нисбатан енгил ПЭда ЗИ пасаяди (12,7%), УПТҚ кўрсаткичи ошади (18,7%), шу билан бирга қон айланишини компенсацияловчи элемент сифатида фақат тахикардия ҳисобига ДХ ва ЮИ кўрсаткичларида пасайиш тенденцияси кузатилмайди. Оғир ПЭда УПТҚнинг сезиларли кўтарилиши ва қон ҳайдаш фракцияси, охирги диастолик ҳажмнинг пасайиши билан юракнинг зарб ва дақиқа унумдорлиги кўрсаткичлари анча пасаяди. ПЭ оғирлиги ривожланиши билан юракнинг морфометрик кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар юзага келади: ОДЎ кичраяди, ЧҚОДҚ, ҚАТҚ, ЧҚММ, ЧҚММИ ва ДНҚ ошади. ДК>142% ошиши ЧҚММнинг нопропорционал юқорилиги ва ЧҚ концентрик геометрияси шаклланишидан далолат беради ва бу ПЭ оғирлигини баҳолашнинг эрта предиктори бўлиши мумкин.

2. ПЭ оғирлиги ошиши билан буйрак ичи сегментар ва бўлақлараро артериялари резистентлиги ортади, бу буйрак қон оқими пасайиши ва буйрак функциялари, жумладан, диурез ва сийдик нисбий зичлигининг камайиши билан унинг филтрацион ва концентрацион фаолияти ҳам пасайишидан далолат беради.

3. Ривожланиб боровчи ПЭда қон зардоби ва сийдикда сийдик кислотаси концентрацияси ошиши юзага келади. Буйрак функцияларининг ёмонлашуви билан ПЭ оғирлиги ошишида энг аҳамиятли тест сийдик кислотаси экскрециясининг абсолют қийматлари эмас, балки унинг қон-сийдик тизимидаги фоиз нисбати ҳисобланади.

4. Концентрик ремодуллаш сифатида чап қоринча геометрияси турининг шаклланиши ($ЧҚММИ > \text{меъёр доирасида}$, $ДНҚ \geq 0,45$)га гестация муддатига хос айланувчи қон ҳажмининг ошиши фонида УПТҚнинг кўтарилишига жавобан умумий патогенетик жараённинг бошланғич даври сифатида қараш лозим. ЧҚнинг эксцентрик гипертрофияси ($ЧҚММИ > \text{меъёр}$, $ДНҚ < 0,45$) ва концентрик ремодуллашуви ($ЧҚММИ \text{ меъёр доирасида}$, $ДНҚ > \text{ёки} = 0,45$)да онадаги қон айланиш кўрсаткичлари ва патологиянинг клиник кечиши мониторинги назорати остида даволаш самарадорлигини баҳолаб, ПЭни мўътадил даволаш фонида перинатал оқибатларни яхшилаш мақсадида ҳомила манфаатлари учун ҳомиладорликни чўзиш имкониятлари мавжуд. Чап қоринча геометриясининг концентрик тури шаклланганда ва юқори нопропорционал ЧҚММда она манфаатлари учун кесарча кесиш йўли билан муддатдан илгари туғдириш масаласини ҳал этиш лозим.

5. Метаболик маркерлар билан биргаликда кардио-, марказий гемодинамика, буйракда қон айланиш кўрсаткичлари мониторингининг юритилиши ПЭни ўз вақтида ташхислаш туғдиришнинг оптимал усуллари танлаш, ҳомиладорлик ва туғруқнинг нохуш оқибатларини камайтиришга эришишни таъминлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АХМЕДОВ ФАРХОД КАХРАМОНОВИЧ

**АДАПТАЦИОННЫЕ МЕХАНИЗМЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ
ГЕМОДИНАМИКИ И ПОЧЕЧНОГО КРОВОТОКА У ЖЕНЩИН ПРИ
БЕРЕМЕННОСТИ, ОСЛОЖНЕННОЙ ПРЕЭКЛАМПСИЕЙ**

14.00.01– Акушерство и Гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Tib5.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tashpmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Негматуллаева Мастура Нуруллаевна,
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримова Феруза Джавдатовна,
доктор медицинских наук, профессор

Султонов Саид Носирович,
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в «__» час, на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул.Богишамол, 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: @tashpmi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за №__). Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 год.
(реестр протокола рассылки № __ от _____ 2018 года).

А.В.Алимов,
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Э.А.Шамансурова,
ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.И.Ахмедова,
председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По всему миру в акушерстве преэклампсия является одним из наиболее распространенных и серьезных осложнений. Последние годы большое количество научных исследований было сосредоточено на возможности предотвращать эту патологию и выявлять группы высокого риска осложненные преэклампсией. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «преэклампсия наблюдается в развитых странах в 5–15%, а в развивающихся странах – 30–35%».¹ Гипертензия у беременных женщин в разных регионах нашей страны составляет 15–25%. Преэклампсия является одной из основных причин материнской и перинатальной смерти и остается одной из наиболее острых проблем современной медицины.

Во всём мире проводится ряд научных исследований в целях изучения причины возникновения преэклампсии, её протекания и достижения высокой эффективности по результатам тактики лечения. В том числе, изучение факторов риска развития преэклампсии среди женщин репродуктивного возраста; разработка методов ранней и точной диагностики у беременных женщин осложненных преэклампсией; определение изменений кардиогемодинамики, центральной гемодинамики и почечного кровотока при развитии преэклампсии; разработка современных методов мероприятий, по снижению случаев с летальным исходом среди беременных женщин осложненных преэклампсией, рожениц и новорожденных остаётся самым важным направлением в научных исследованиях.

В нашей стране на сегодняшний день проводятся целевые реформы по поднятию на новый уровень медицинского обслуживания. В Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы определены следующие задачи, как «укрепление здоровья семьи, охрана материнства и детства, расширение услуг медицинской помощи детям и матерям, оказания им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи, предпринять в широком масштабе меры по снижению младенческой и детской смертности»² Для решения обозначенных задач, необходимо поднять на новый уровень оказание медицинской помощи населению, в том числе исследований по разработке и обоснованию новых причин преэклампсии, направленных на снижение материнской заболеваемости и смертности связанных с преэклампсией.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года и в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Проведенные до настоящего времени результаты научных исследований указывают на то, что у женщин с диагнозом ПЭ параметры центральной и регионарной гемодинамики, метаболические маркёры ПЭ, структурно-функциональная характеристика сердца, особенно параметры диастолической функции миокарда отличались дискретностью, характером и разнообразием (Клещеногов С.А., 2009; Кулаков В.И., 2015; Храмова Л.С., 2007; Sibai B., 2012). Возникла необходимость в изучении метаболических и гемодинамических маркеров разных видов ПЭ, с помощью которых в процессе беременности можно не только диагностировать указанные осложнения, но и определять с клинической точки зрения не очень развитые формы, легкие типы, т.е. возникает возможность профилактики развития сложных типов ПЭ состояний (Макаров О.В., 2014; Чулков В.С., 2011; Barton J.R., 2008; Bassien-Capsa V., 2006).

Представления относительно гестационных изменений гемодинамики почек представляется важным при разных осложнениях беременности, например, при ПЭ и ограничении физиологических адаптационных реакций. При АГ в развитии эндотелиальной дисфункции важным является усиление стрессовых состояний (shear stress) и связанные с гемодинамическими факторами усиление гидродинамического давления в сосудах играет основную роль, а это, в свою очередь, приводит к деформации эндотелиальных клеток и отрицательному воздействию (Чичерина Е.Н. и соавт., 2012; Мурашко А.В. и соавт., 2013). Имеющиеся высокие значения ИР в почечных артериях являются предикторами неблагоприятных осложнений беременности, и таким образом, это коррелирует с существенным возрастанием сопротивления в артериальных сосудах матки (J.Thaler и соавт., 2012).

В последнее время наблюдается повышенный интерес ученых к МК в связи с её возможной ролью в патогенезе АГ, эндотелиальному разрушению и дисфункции почек, которые являются типичными показателями и симптомами ПЭ (Оразмурадов А.А., 2010; Половиткина О.В., 2011). Увеличивающийся быстрыми темпами уровень МК должен рассматриваться как важный предиктор высокого риска развития эклампсии. Также МК может способствовать и вызвать деструкцию функции эндотелия сосудов и является важным фактором, что немаловажно для специалистов. При рассмотрении ряда клинических и экспериментальных работ на основе изучения корреляции между гиперурикемией и эндотелиальной дисфункцией можно прийти к выводу, что они между собой взаимосвязаны (Kang D.H., 2014).

В Узбекистане на сегодняшний день были проведены ряд исследований посвященных клиническим признакам, методам исследования и лечебным подходам к данному заболеванию (Ким Ен-Дин., 2017; Саркисова Л.В., 2007).

Как показывает анализ данных исследований, особое внимание уделяется здоровью женщин фертильного возраста, со стороны государства выполняются работы по созданию условий их оздоровления. Однако имеющиеся данные на примере женщин Бухарского региона, свидетельствуют об отсутствии работы изучения частоты преэклампсии у женщин с репродуктивными потерями, а также разработки эффективных и экономически выгодных методов лечения. Осуществление исследований в этой сфере являются актуальными и имеют научно-практическое значение.

